

Хозирги Давр Ёшлар Тарбиясига Инновацион Ёндошув

Абдуллаев Рустам Абдувалиевич¹

Аннотация: Мақолада Мамлакатимизда ёшларга алохіда эътибор қаратилаётгани, ёшлар сиёсати давлат сиёсатининг уствор йўналишларидан бирига айланганлиги, бунинг ҳукукий асослари яратилганлиги, таълим ва тарбия узулуксизлиги ва ёшлар тарбиясига инновацион ёндашув масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: технология, глобаллашув, экстремизмга қарши кураш, маънавият, маданият, глобаллашув.

Жамият узулуксиз тараққий этиб борувчи тарихий ходисадир, унинг ривожланишини асослари ва омиллари тарихий босқичларга қараб турлича изоҳланган. Жамият тараққиётининг асослари ҳақида мунозаралар кўп бўлиб, баъзи олимлар жамият тараққиётини мутлоқ ғояга, инсон ақлига, инсон билишига, механикага, техникага, меҳнатнинг такомиллашувига, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига боғлаб қўрсатганлар.

Мазкур масала хозирги давр олимлари учун ҳам энг мунозарали масалалардан ҳисобланади. Хозирги даврда ҳам иқтисодиётни, фан ва технология, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётни жамият ривожланишининг белгиловчи омили деб баҳоловчи олимлар кўпчиликни ташкил этади.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, фан ва технология, ишлаб чиқариш ва иқтисодий юксалишлар, буюк шахслар ва уларнинг янги илфор ғоялар, жамиятни ривожланишига олиб келувчи конун ва қоидаларнинг барчасини заминида инсон ва унинг маънавий салоҳияти ётади. Яъни турли давр олимлари жамият тараққиётини турли ҳодисалар билан боғлаб тушунтирганларида қанчалик хақ бўлмасинлар, бизнинг фикримизча жамият тараққиётининг бош-асосий омили инсон ва унинг маънавиятидир.

Бугун биз яшаётган давр жамият тараққиёти, тарихий даврлардан фарқ қилувчи инсоният тараққиётининг янги босқичи глобаллашув давридир. Глобаллашув – тарихий жараён бўлиб, бу бутун дунё мамлакатларини ягона бир инсоният системаси сифатида яшashi учун замин яратадиган, яъни дунёдаги ҳеч бир мамлакат бу жараёндан ажралган, алохіда бўлиб фаолият юритиши мумкин бўлмаган, янги тараққиёт босқичидир. Хозирги пайтда унинг ғоявий ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучини харакати учун қулайликлар вужудга келиш, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг фан ютукларининг тезлик билан тарқалиши”[1,112]унинг ижобий натижаларидир. Лекин, бу жараён бугунги кунда борган сари ижтимоийлашиб, маданий ва маънавий ҳаётга ҳам кириб бормоқда.

“Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёхвандлик, одам савдоси, ноқонуний мигратсия, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва ахамияти янада яққол аён бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, хозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва ахамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда.

Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Фаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.” [2] Бу эса баъзи ёшлар дунёкарашида ғарб индивидуализми, эгоцентризми, атрофдагиларни писанд қилмаслик, факат ўз манфаати учунгина харакат қилиш каби миллатимизга ёт бўлган холатларни вужудга келтирмоқда, айни пайтда диний экстремизмнинг ислом маънавиятига мутлоқ зид бўлган ғоялари таъсирига тушиб қолаётганлигини ҳаёт қўрсатмоқда.

Глобаллашувнинг ёшларга бўлган бундай бузғунчи мағкуравий таъсирини биз қуйидаги жараёнларда ҳам кузатишимиш мумкин:

- ёшларнинг маънавий-аҳлоқий қиёфасида;
- ёшларнинг меҳнатга бўлган муносабатида;
- ёшларни қадрияларга бўлган муносабатида;
- ёшларни ислом дини маънавиятини билмаслигига;
- ёшлар руҳиятидаги бегоналашувда;
- ёшларнинг бўш вақтини ўтказишида;

¹ Қўйкон ДПИ ўқитувчиси

Албатта юртимизда жаҳон стандартларига жавоб берадиган, ўзининг илми, ақл – заковати билан Ўзбекистонни дунёга танитаётган ёшларимиз кўп. Мамлакатимизда ёшларга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ёшлар сиёсати давлат сиёсатининг уствор йўналишларидан бирига айланганлиги, бунинг ҳукуқий асослари яратилганлиги, таълим ва тарбия узуулксизлиги, “оила-маҳалла ва таълим муассасаси” концепциясининг яратилиши, Республикамизда иқтидорли ёшларни қўллаб-кувватловчи бир қанча жамғармаларни фаол иш юритаётганлиги, буларнинг барчаси глобаллашув даври салбий таъсирига қарши олиб бораётган курашимиздир.

Юқорида таъкидланганидек инсон маънавияти жамиятдаги барча юксалишларнинг асосидир. Бу эса келажагимиз бўлган ёшлар тарбиясига, ҳозирги даврда алоҳида эътиборли бўлиш, уларни бир дақиқа ҳам ўзбўларчиликка ташлаб қўйиш мумкин эмаслигини исботламоқда. Тарбия жараёни ижтимоий маданий жараён бўлиб, шахсни ва айниқса ёшларни жамиятда яшаши ва фаолият юритиши учун зарур бўлган қўнікмаларни шакллантириш, яъни ёшларни ўзи яшаётган жамиятнинг асосий талабларига мос келадиган қилиб тарбиялашдир. Бугунги кунда ёшлар тарбияси инновацион ёндошув тоқазо этилмоқда. Бу дегани эса ёшлар тарбияси маълум бир мақсадга қаратилган, режали, шахсни маънавий ва жисмоний ривожланишига олиб келадиган ва айни пайтда ворислик хусусиятига эга бўлиши лозим. Тарбия жараёнида катта авлод бутун маънавий-маданий меросини ўш авлодга сингдириб бориши лозим.

Глобаллашув даврида ёшларнинг маънавий-ахлоқий киёфасидаги нуқсонлар ҳақида сўз юритилар экан, биринчи Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганларидек “четдан бизга мутлоқ ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириш келиши мумкинлигини унутмаслик керак.”[3]

Ёшлар тарбиясига инновацион ёндошув бу авволо тизимили тарбиядан иборат. Яъни маънавий-ахлоқий тарбия ёшлидан, боғча ёши, болалик, ўспирин ва балофат ёшида режали равишда олиб борилиши зарур. Ёш авлод бугунги кунда очик ахборот орқали кўраётган зўравонлик, ёвузлик, меҳрсизлик руҳида эмас балки катталар ва ота-оналарини хурмат қилиш, эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилиш, ҳаётни қадрига етиш, ўзини хатти – харакатига жавоб берувчи масъулиятли қилиб тарбияланиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда мактабгача таълимни ривожланитиши масаласига алоҳида эътибо бераётганликлари ҳам бежиз эмас. Чунки, болаларни боғча ёшидан китобхон, тўғри фикрлайдиган, пишиқ, пухта, ишбилармон, дунёқарashi кенг ва теварак атрофга теран кўз билан қарайдиган ва кейинчалик бундай фикрлаш кенгайиб бориб, замонавий дунё талабларига жавоб берадиган шахс қилиб етиштириш лозим.

Ҳозирги даври ёшлари эски услубдаги, узуулксиз насиҳатбозлиқдан иборат, кексалар хизматини таъна қилувчи тарбия услулларини қабул қила олмайди. Чунки, ҳозирги даврда ёшлар тарбиясига “рагбатлантириш” орқали салбий таъсири кўрсатишнинг хилма-ҳил йўллари мавжуд. Буни олдини олиш учун ўз навбатида маънавий-ахлоқий тарбиянинг анъанавий усусларидан ҳам фойдаланиш зарур.

Бунинг учун оила, маҳалла, таълим муассасасининг мунтазам, мақсадли ва айни пайтда бир-бирига мутаносиб, тарбия жараёнини ташкил эта билиши керак. Айни пайтда ёшларни руҳий ва жисмоний имкониятлари, маълумот даражаси ва қизиқишилари асосида олиб бориладиган тарбиягина ўз самарасини кўрсата олади.

Бизнинг фикримизча жамияти ривожланишида ёшлар тарбиясининг асосий кисми сифатида ҳукуқий маданиятни шакллантириш ҳам мухимдир. Жамиятнинг қадимий тарихидан маълумки ахлоқ ва ҳукуқ бири-бирини тўлдирувчи ва маънавий комилликка етакловчи тарбия йўналишларидандир. Айнан, “оммавий маданият” домига ёки диний экстремизм фитналари таъсирига тушиб қолаётган ёшларнинг аксариятини ҳукуқий маданият жуда пастир. Ҳукуқий маданиятни шакллантириш жараёнида, нафақат қонунга амал қилувчи шахсни тарбиялаш, балки ёшларда, ватанпарварлик туйғусини, ўз ватанини севиш, унинг қонунлари, талабларига амал қилиш ва ҳар бир чақириғига жавоб бериш, уни ҳимояси ва гуллаб-яшнаши учун бор кучини сарфлаш, зеро ватан равнаки, унинг ўзи ва оила аъзолари учун фаровонлик замини эканлигини тушунтириб бориш зарур.

Ёшлар тарбиясидаги инновациялардан яна бири, уларда толерантликни шакллантиришдир, яъни инсониятнинг миллый ва этник хилма-ҳиллиги, бебаҳо маданий бойлик бўлиб, турлича анъаналар, урф-одатлар, қадриятлар сифатида уларни асраб-авайлаш, сақлаш зарурлигини, бу бойлик ҳар бир халқнинг тарихий мероси сифатида авлодларга етказиб бериш шарт эканлигини англатмоқ зарур. Шу тариқа ўш авлоднинг миллатлараро муносабатига муомила маданиятини сингдириш мумкин. Тарбиянинг бу жиҳати айниқса, олий таълим тизимида кенг микёсда олиб борилиши шарт.

Ёшлар тарбиясидаги замонавий муаммолардан яна бир, уларда меҳнатга бўлган муносабатнинг ўзгаришида кўринимоқда. Кўпчилик ёшлар жисмоний меҳнат, ўз томорқасида ишлаш, оддий ишларда ота - онасига ёрдам беришни фурори камситилгандек қабул қиляптилар, шунингдек, таълим муассасаси томонидан ташкил этилган ҳашарларда қатнашмасликка ҳаракат қиляптилар. Бу эса ҳозирги кунда ёшлар ўртасида меҳнат тарбиясига алоҳида аҳамият беришини, яъни меҳнатни инсоний қадрият сифатида, уни инсони энг олий даражага олиб чиқувчи имконият, инсоний фазилатларнинг юқори босқичи эканлигини, инсон фақат меҳнат орқали эътиборга эришувини, инсон меҳнатини хурмат қилишни, меҳнатсеварликнинг ҳайрли оқибатларини, ўзига топширилган ҳар қандай ишни чин дилдан, интизомли бажаришгина элда обрў олиб беришини ёшликдан уқдириб бориш зарур. Бизнинг фикримизча, ёшлар меҳнат тарбиясини ташкил этишдаги инновацион ёндошув, уларни аввало ўзлари ўқийдиган таълим муассасасини тозалиги ва ободлигини сақлашда албатта катнашувидан бошланадаи. Оилада меҳнат тарбияси эса ота-онанинг ҳар бир нарсани қандай меҳнат эвазиги келаётганини тушунтириши, ўзларининг меҳнат

фаолияти билан фарзандаларини таништириб боришларида кўринса, маҳаллада эса катта ёшлилар томонидан маҳалла ёшларини кекса ва касалманд кишиларга, тўй-маъракаларга ёрдам беришни доимий назоратини ўрнатиш, намунали ҳожатбарор ёшларни маҳалла фуқаролари йиғинларида ибрат қилиб кўрсатиши ижобий натижалар беради. Шундагина ёшлар онгига меҳнат ижобий муносабатни шакллантириш мумкин бўлади. “Мехр-оқибат, ахиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтоҷ кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларни бошини силаш, тўй-томуша, ҳашар ва ўзаро маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби ҳалқимизга хос урф-одатлар ва анъаналар авваламбор маҳалла мухитида шаклланган ва ривожланган. Лекин ҳозирда “Баъзи ёшларимиз учун меҳр-оқибат, ахлоқ-одоб тушунчалари бутунлай бегона бўлиб бораётгани, уларда бефарқлик, масъулиятсизлик, меҳнат қилмасдан кун кўришга интилиш каби иллатлар пайдо бўлаётгани – аччиқ бўлса-да, ҳақиқат. Бунинг тасдиғини кўплаб мисолларда кўриш мумкин. Айrim ёшларнинг қисқа ёки узоқ вақт чет элга, меҳнат сафарига бориб келиб, ўз эътиқодини хато деб ҳисоблаб, бизга буткул ёт бўлган оқимлар, ғоя ва тушунчаларни олиб келаётгани ҳам – бор гап. Айни ҳақиқат бу. Бундай ҳолатлар барчамизни ташвишга солиши шарт”лигини унутмаслигимиз лозим.[3]

Ҳозирги давр ёшлари тарбиясига инновацион ёндошувнинг яна бири миллий қадриятларга бўлган муносабатнинг соҳасида олиб борилиши лозим.. Бу ҳолат қишлоқларда кам бўлсада, ”Оммавий маданият” таъсири кучлироқ бўлган шаҳарлар ва айниқса катта шаҳарлар ёшларида сезилмоқда. Бундай ёшлар миллий маънавий қадриятларимизни эскилик сарқити, уларни бажаришни қолоклик, замондан орқада қолиши, ҳозирги давр талабларини тушунмаган одамлар бажарадиган ишлар сифатида карайдилар. Улар йигитларимиздаги мардлик, ҳамиятлилиқ, жасурлик, тавозе, ҳожатбарорлик, олиҳимматлилиқ, бағрикенглигни, қизларимиздаги ҳаё, ибо, иффат, уятчанлик, чаққонлик, меҳрибонлик, хушмуомилалик, меҳнатсеварлик, жонсиракликни ҳамда улардаги жамоанинг салбий фикри ва унинг муҳокамасига тушиб қолищдан кўркишини бутунлай бошқача талқин қиладилар. Бу қадриятлар ўрнига факат ўзи учунгина яхши бўлган ишни қилиш, ўзига маъқул кийимни кийиш, ўзини ҳоҳлаган жойигагина бориш, бетгачопарлик, беандишишлик, беписандлик, бепарда қиликлар қилиб юришини замонавийлик деб тушунмоқдалар. Бундай ёшларнинг кўпчилиги ҳали бутунлай “оммавий маданият” домига тушмаган факат унга таклид килувчи ёшлардан иборат. Минг афсуски, баъзи ўзини замонавий деб ўйлайдиган ота-оналар ҳам фарзандларини бу тахлитларига маъқуллаб қарамоқдалар.

Бизнинг фикримизча бундай салбий ҳолатни олдини олишда тизимли ёндошув тоқазо этилиб, таълим муассасаси ва маҳалла ҳамкорлигига иш олиб борган маъқул. Чунки аввало оиласдаги мухитни ўрганиш фарзандларни бундай юриш-туришига ота-онанинг муносабатини аниклаб, фарзанд ота-онани норизо қилиб шу куйга тушганми, ёки ота-онанинг ўзи бу ҳолатни рафбатлантиряптими, шунга қараб ҳамкорликда иш олиб бориш зарур. Президентимиз Ш.Мирзиёев сўзлари билан айтганда “Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим. Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахти бўлиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан колиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”. Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим.” [4]

Бизнинг фикримизча ёшлар тарбияси, бу - бутун жамиятнинг энг олий вазифаси бўлиб, авлодлар тарбияси бугунги кунда барча онгли фуқаронинг, унинг кайси соҳада фаолият юритаётганига қарамасдан бирламчи вазифасига айлангандагина, глобаллашувнинг ёшларга салбий таъсиридан ҳимоя қилишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т:”Маънавият” 2008.112 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси қабул қилинганинг 24- йиллигига бағищланган тантанали маросимдаги маъруза. www.press-service.uz.
3. Мирзиёев Ш.М. "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутки. www.press-service.uz.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. www.press-service.uz.
5. Shomurotov, S. S. O. (2021). The Need for Formation of Knowledge on the Effective Use of Water Resources in Young People in the Process of Globalization.(in the Example of the Aral Sea). *International Journal of Human Computing Studies*, 3(2), 89-91.
6. SHOMUROTOV, S. S. O. (2021, April). FIRST STEPS FOR MODERNIZATION OF WATER FARMING IN THE REPUBLIC: ACHIEVEMENTS AND CHALLENGES. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 4, No. 1, pp. 152-155).
7. Shomurotov, S. S. O. (2021, February). Some Environmental Problems Related To Land And Water Resources In Uzbekistan. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 39-41).

8. SHOMUROTOV, S. S. O. Construction and Changes in Canals and Pumping Stations in Uzbekistan. *JournalNX*, 7(1), 262-266.
9. Шомуротов, Ш. (2021). Историческое значение реформ, осуществляемых в водной системе Узбекистана. *Общество и инновации*, 2(3/S), 458-465.
10. Шомуротов, Ш. (2021). Ўзбекистон сув хўжалиги тизимида амалга оширилган ислоҳотларнинг тарихий аҳамияти. *Общество и инновации*, 2(3/S), 458-465.
11. Sarvarbek, Z. (2022). THE STRUCTURE OF THE CONCEPT OF HAPPINESS IN METALINGUISTIC COVERAGE ON THE EXAMPLE OF THE PERCEPTION OF SCHOOLCHILDREN. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 444-446.
12. Obidovich, N. F., Qodiraliyevich, A. N., & Valijon o‘g‘li, M. T. (2021). E-LEARNING ENVIRONMENT TO PREPARE FUTURE TEACHERS OF COMPUTER SCIENCE IN PEDAGOGICAL ISSUES. *E-LEARNING*, 8(4).
13. Нажмиддинов, Ф. О., & Абдуллаев, Н. К. (2020). ИСТОРИЯ СИМПЛЕКС-МЕТОДА. *Интернаука*, (13-1), 6-8.
14. Исамитдинов, С. С., & Нажмиддинов, Ф. О. (2017). ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В УЧРЕЖДЕНИЯХ СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ. *Ученый XXI века*, 82.
15. Kobilova, E., Sobirova, O., & Najmuddinov, F. (2021). The importance of music education in the formation of musical culture and spirituality. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(1), 698-703.
16. Исамитдинов, С. С., & Нажмиддинов, Ф. О. (2016). Дидактик ўйинлар таҳлили. Молодой ученый, (3-1), 7-8.
17. Abdurasulov, A. A. (2020). ORGANIZATIONAL AND PEDAGOGICAL FEATURES OF CORPORATE GOVERNANCE IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS OF ADVANCED FOREIGN COUNTRIES. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(9), 298-303.
18. Abdukarimovich, A. A. (2022). CORPORATE PEDAGOGICAL FOUNDATIONS OF EFFECTIVENESS OF HIGHER EDUCATION MANAGEMENT: Abdukarimovich. *YOUTH, SCIENCE, EDUCATION: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS*, 1(2), 80-85.
19. Abdukarimovich, A. A. (2022). Content of the corporate governance system, foreign experience and efficiency of its implementation. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(5), 240-244.
20. Abdukarimovich, A. A. (2021). Problems of Power and Administrative Governance in Higher Education of Uzbekistan and the Need for Modernization of the Governance System. *Middle European Scientific Bulletin*, 11.
21. Abdukarimovich, A. A. (2022). THE EFFECTIVENESS OF THE IMPLEMENTATION OF THE CORPORATE GOVERNANCE SYSTEM IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS. *INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE*, 1(3), 120-125.
22. Abdukarimovich, A. A. (2020). METHODS OF MANAGING EMPLOYEES IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS ON THE BASIS OF CORPORATIVE CULTURE. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 8(11).